

ЛЕНИН ЙИЛИ ЯНГИ ЗАФАРЛАР ЙИЛИ БЎЛСИН

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЁТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16-йил чиқиши

№ 256 (4247).

31

ДЕКАБРЬ

ЧОРШАНБА

1969 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин



ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 2-тиқувчилик фабрикасининг пеш-
қадами Маъмура Жўраева смена топириқларини ҳамиша ош-
риб адо этмоқда. А. ТУРАЕВ ФОТОСИ.

РАПОРТЛАР

ПАРРАНДАЧИЛАР
ҒАЛАБАСИ

«Ўзбекистон» паррандачилик фабрикасининг коллективни дав-
латта гушт сотиш йиллик пла-
нини ошириб бажарди. Ўз дас-
турхонига 3436 центнер гушт
еткизиб берилди. Фабрика иш-
чилари янги йил арафасида
ҳам баракали меҳнат қилиш
шарҳликлар дастурхонига 100
центнер парранда гушти жў-
натилди. Паррандабоқарлар
ҳам янги йил арафасида бир не-
ча ўн минг дон тухум сотишга
эришдилар.

ЯНГИ ЙИЛ
ДАСТУРХОНИГА

Қўйлик теплица комбинати-
нинг ишчилари янги йил ара-
фасида республикамиз пойтах-
ти аҳолисини 8 минг килограмм
помидор, 300 килограмм бол-
ринг, 100 килограмм турли
хилдаги қўқатлар, минг кило-
грамм редиска ва анчагина
кўпийез жўнатилди, янги йил
дастурхонини бешага ўзлари-
нинг муносиб ҳиссаларини қў-
шишга муваффақ бўдилар.

А. ХУСАНОВ.

ЙЎЛ РЕМОНТЧИЛАРИ
ЮТУДИ

Область автомобиль йўллари
қурилиш-ремонт бошқармаси
коллективни муносиб зафарни
қўлга киритди.

Меҳнатсеварлар йиллик топ-
шириқни 10 декабрда адо
этишга, ўз зиммаларига ол-
ган мажбуриятларини ҳам му-
ддатдан 15 кун аввал бажар-
ишди. Яна 7 миллион 648
минг сўмлик иш бажарилиди.

Йўл қурилиш фидокорлари
ҳаммаси бўлиб белгиланган
565 километр ўрнига 572 кило-
метр масофадаги йўللари
қайта қурилди ва капитал ре-
монт қилинди.

А. МИРАХМЕДОВ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Кеча Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлиб
ўтди.

Пленум Тошкент область партия комитетининг биринчи
секретари М. А. Абдураҳмоновнинг «КПСС Марказий Комите-
ти декабрь Пленуми, колхозчиларнинг Бутуниттифок III съез-
ди якуни ва область партия ташкилотининг вазифалари
тўғрисида» докладини эшитди.

Докладни муҳокама қилишда Ўрта Чирчиқ район партия
комитетининг биринчи секретари С. А. Аҳмедов, Янгийўл ша-
ҳар партия комитетининг биринчи секретари В. И. Рибалко,
Бекобод районидаги «Победа» колхозининг эвено бошлиғи Қ.
Эгамбердиев, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон»
колхозининг раиси А. Эгамназаров, Бўстонлиқ районидаги
Ўданов номли колхоз раиси А. Абдулқодиров, Бўка районидаги
«Гулистон» колхоз раиси И. Ҳайдаров, Юқори Чирчиқ район
партия комитетининг биринчи секретари И. И. Ладущкин ўр-
тоқлар қатнашдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қаро-
ри бир овоздан маъқулланган ва уни оғинмай бажариш учун
қабул қилинган қарор қабул қилинди. Пленум КПСС Марказий
Комитети ва унинг Сиёсий бюросини, Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетини коммунистлар ва областнинг барча ме-
хнаткашлари номидан ишонтирдик, коммунистлар, областнинг
барча меҳнаткашлари Ватанимизнинг иқтисодий қудратини
янада мустақамлаш учун курашда меҳнат ва сиёсий актив-
ликларини оширадилар, беш йиллик топириқларини бажар-

ришга муносиб ҳисса қўшадилар ва В. И. Ленин туғилган кун-
нинг 100 йиллигини коммунистлик қурилишда янги-янги муваф-
фақиятлар билан қўшиб оладилар.

Шундан сўнг Тошкент область партия комитетининг иккин-
чи секретари Б. М. Истомин «Область партия ташкилотида
кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишлари-
нинг аҳоли ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида» доклад
қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Тошкент шаҳар партия
комитетининг секретари М. А. Толипов, Янгийўл район партия
комитетининг биринчи секретари А. П. Алимов, Янгибод ша-
ҳар партия комитетининг биринчи секретари К. М. Тимофеев,
Ўрта чидамли ва қийин эрийдиган металллар комбинати дирек-
тори В. Х. Ҳайдаров, Тошкент область прокурори Е. Н. Смир-
нов, Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги»
совхозининг директори З. Т. Махсумов, Чкалов номидаги ави-
ация заводи партия комитетининг секретари Г. В. Зотов, Ка-
лнин районидаги «Қорасул» совхоз партия комитетининг сек-
ретари М. Екубова ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Пленумда, ташкилий масала ҳам кўрилди. Ўртоқ С. Ахме-
дов Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секreta-
ри қилиб сайланганлиги учун область партия комитети ташки-
лий-партиявий ишлар бўлими мудирини вазифасидан озод
қилинди. Ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирини қилиб
О. З. Зуфаров тасдиқланди.

Пленум ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитети ташки-
лий-партиявий ишлар бўлими мудирини Г. М. Орлов қатнашди.

ЮБИЛЕЙ МЕХНАТ ВАХТАСИДА

КОЛЛЕКТИВ МУВАФФАҚИЯТИ

Улуғ доҳий В. И. Ленин ту-
ғилган кунининг 100 йиллигини
муносиб совғалар билан қўшиб
олиш учун бошланган умум-
халқ ҳаракатида актив ишти-
рок этаётган Тошкент чини за-
води коллективни катта муваф-
фақиятини қўлга киритди. Иш-
лаб чиқаришнинг асосий кўр-
саткичлари бўйича йиллик топ-
шириқ муддатидан анча илгари
— 19 декабрда муваффақият-
ли адо этилди. Шу кунгача йил-
лик пландаги қўшимча 100
минг сўмлик турли-туман чини
бўюмларни реализация қи-
линди. Фойда олиш топириғи
эса 101,7 процент қилиб адо
этилди.

Корхона цехларида ишлаб
чиқариш жараёнларини механиз-
ациялаш, белгиланган ташки-
лий-техникавий тадбирларни
амалда ошириш — янги техни-
ка ва технологияни жорий қи-
лиш, илгор иш усулларини
қўлланиш шундай қувончли
натияжаларга олиб келди. Айни
вақтда маҳсулот таннари ар-
зонлашди, сифати эса яхши-

ланди. Бу йил биринчи сортли
чинини идишлари ишлаб чиқар-
иш ўтган йилнинг шу даври-
дагига қараганда 12,5 процент
орди.

Коллектив қўлга киритган
бу ютуқларда ўз касбини пухта
эгаллаган ишчиларнинг сал-
омлиги ҳиссалари бор. Уларнинг
кўпчилиги анчадан бери беш
йилликнинг сўнгги йили ва
1971 йил ҳисобига маҳсулот
беришмоқда. Уста ишчилардан
Р. Зубайрова, М. Бўлатова, Х.
Рихсиев, А. Ҳошимов, теҗри-
мончи Ҳасимжонов, моделчи
М. Раҳмонбердиев, қопловчи-
лардан Г. Йўлдошев, Ш. Еку-
бов ва бошқалар шулар жум-
ласидандир. Бу меҳнатсеварлар
белгиланган нормани муттасил
120—130 процентдан бажариб,
доим аъло сифатли маҳсулот
беришди.

Азамат коллектив қўлга ки-
ритилган бу ютуқларни янада
мустақамлаш ҳамда ҳўжалик
йилини тагин ҳам яхши кўр-
саткичлар билан якунлаш учун
социалистик мусобақани авж
олдирипти.

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲИСОБИГА

Пойтахтимиздаги тикувчилик
пардозлаш фабрикаси коллекти-
ви шу кунларда доҳиймиз юби-
лейини муносиб меҳнат совға-
лари билан қўшиб олишга ҳара-
кат қилмоқда. Шу муносабат
билан барча цехлар, тикувчи-
лик ўртасида социалистик му-
собақа авж олдириб юборилди.

Фабрика ташкил этилганга
бор-йўғи бир йил бўлди, холос.
Аммо шунга қарамай, бешйил-
лигининг тўртинчи йили қувонч-
ли натижалар билан якунланди.
Чевар тикувчилар 28-ноябр-
да йиллик топириқни наараф
билан урдади, ҳозир келгуси
йил ҳисобига маҳсулот бериш-
моқда.

Сурайё Қосимова бошлиқ
цехамиз. Чеварларнинг қўли-

қўлига тегмайди. Бир гурппа
тикувчилар дераза пардалари,
ястиқ жиндилари тикни билан
банд бўлишса, бошқалари янги-
да ишлаб чиқаришга жорий
этилган аёллар ҳамда болалар
қўйлагини қўдан чирмоқда-
лар.

— Қўралсизки, тикувчилар
римизнинг ансарияти ёшлар,—
деди цех бошлиғи чаққонлик
билан тикув машиналарини
бошқараётган қизларга ишора
қилар экан. Ленин ишга
келганда уларни таниб бўлма-
ди. Коммунистик меҳнат кол-
лективни номини олиш учун
меҳнат қилишмоқда. Кўнлик,
ойлик топириқларини муттасил
105—110 процентдан адо
этишяпти.

Айниқса, Муассар Каримо-
ва, Ўлмас Музаффарова, Мам-
лакат Усмонова, Бибипур Абу-
шаева каби қизларимиз касб-
дошларига ўрнат қўрсатишмоқ-
да. Улар кўнликдан чиққан маҳ-
сулотлар доимо аъло баҳо-
ларда қабул қилинади.

Фабрика коллективни шу кун-
ларда ҳам суръатини сусайтир-
мапти. Чунки корхона маҳсу-
лотларига талаб кўнликдан-
ортиб борапти. Аёллар ва бо-
лалар қўйлагини, ич кийимлари
бежиримлиги ва пишчилиги бил-
ан харидорлар дидига мос
тушмоқда.

Фабрика коллективни йил да-
вомида жаъми 2022,9 минг
сўмлик маҳсулот ишлаб чиқар-

ишнинг лозим бўлган ҳолда 1
декабрда 2035,6 минг сўмлик
иш бажарди. Олинган даромад
246,4 минг сўм ўрнига 11 ой
ичида 247,6 минг сўмни таш-
кил этди. Социалистик мажбу-
рият эса 25 декабрь ўрнига 28
ноябрда шараф билан адо
этилди.

— Қўлга киритаётган ютуқ-
ларимиз доҳиймиз юбилейи му-
носабати билан бошланиб кет-
ган социалистик мусобақанинг
шарофатидир,— дейди фабри-
ка директори Юлдуз Қосимова
мамнун ҳолда.— Янги йилда
янада ғайрат қилиб қўллаб
аъло сифатли маҳсулот ишлаб
чиқарамиз.

Муҳаббат ҲОШИМОВА.

МАШИНАСОЗЛАР ТУҲФАСИ

Меҳнат Қизил Байроқ ор-
дели Тошкент қўнлик ҳўжалик
машинасозлиги заводи коллек-
тивни янги йил вахтасида туриб
ишлаб, қувончли ютуқларга
эришмоқда.

Корхонада 10 ойлик топи-
риқ бир неча юз минг сўмлик
ошириб бажарилган, планга
қўшимча равишда 115 минг
сўмлик қўп товар маҳсулотни
ишлаб чиқаришга эди.

Кейинги ойларида ҳам нати-
жа чакни бўлмади. Машина-
созлар ҳозиргача илдан таш-
қари ўнларча пахта териш
агрегатлари ишлаб чиқарди-
лар. Буларнинг кўпчилиги
«17ХВ-1,8» маркали машина-
лардир.

— Пахта териш агрегатлари-
нинг эҳтиёт қисмларини, тай-
ёрлаш ҳам,— деб ҳўқоя қи-
лади корхона планлаштириш бў-
лими бошлигининг ўринбосари
ўртоқ Л. Полищук,— ой са-
йини ошиб бормоқда. Бу ҳам
муҳим аҳамиятга эга албатта.

Чунки ҳар йили пахтакор ҳўжа-
ликлардан қўллаб буюртма
оламиз. Корхонамизда ишлаб
чиқарилаётган маҳсулотнинг
70 процентини терим агрегат-
лари, қўлган қисминини эса бош-
қа маҳсулотлар, жумладан ох-
тиёт қисмлари ташкил қиладилар.

Дарвоқе, цехларда иш қизгин

бормоқда. 11-цех, 3-механика
ва асбобсозлик цехлари, шу-
нингдек, 30-механизациялаш
цехларида ҳам иш аҳда яраша
бормоқда. В. Марков, Г. Зина-
туллин, Л. Губайдуллин, Г.
Ан каби лешадамлар топи-
риқларини 140 процентга етказ-
иб бажаришяпти.

Завод маҳсулотлари қардош
пахтакор республикаларга қўп-
лаб жўнатилаётди. Тожики-
стон, Туркменистон, Қирғизис-
тон ва Қозоғистон пахтакорла-
ри бу унумдор машиналарни
ишлаб чиқараётган машинасоз-
лардан беҳад миннатдорлар.

Азамат коллектив йил охи-
ригача пландан ташқари қўллаб
минг сўмлик маҳсулот ишлаб
чиқаришди. Бу уларнинг доҳий-
миз юбилейига муносиб арму-
ғонлари бўлди.

Шунингдек, ўтган йилдагига
қараганда 4,5 миллион сўмлик
қўп маҳсулотни реализация қи-
лиш кўзда тутилди. Бундан
ташқари тежамкорликка ҳам
алоҳида эътибор берил-
ди. 250 тонна металл-прокат,
100 тонна чуён қурил-
маси, 15 тонна лак-бўёқ, 70 тон-
на нефть маҳсулотлари тежаш
юзасидан олган мажбуриятла-
рини ҳам адо этишда яхши на-
тижага эришилди.

А. КИМ.



ОЛМАЛИҚ химия заводи қурилишининг пешқадам ду-
радгори Бозор Алимов республикамизнинг бу гигант корхона-
сини бунёд этишда мардонавор меҳнат қилмоқда.

А. АБАЛАН ФОТОСИ.

Назарий конференция

Янгида идеология ходимлари
университетининг навбатдаги
назарий конференцияси бўлиб
ўтди.

Конференцияда Тошкент
халқ ҳўжалик институтини КПСС
кафедрасининг мудирини, тарих
фанларини доктори М. Мусаев
«В. И. Ленин ва меҳнаткаш-
ларни коммунистик руҳда тар-
биялаш масалалари», Низомий
номидаги Тошкент Давлат пед-
агогика институтини психология
кафедрасининг мудирини, доцент

М. Давлатшин «В. И. Ленин
пропаганда ишларида психоло-
гик факторлари ва педагогик
элементларини ҳисобга олиш ҳа-
қида» доклад қилдилар.


Шундан сўнг ўзаро тажриба
алмашиш бошланди. Конферен-
ция қатнашчилари шаҳар ва
район партия комитетларининг
секретарларини, шаҳар ва район
партия комитетлари пропаганда
ва агитация бўлиmlарининг му-
дирларини, бошланғич партия
ташкilotларининг секретарла-
ри сўзга чиқиб, идеология со-

ҳасида олиб борилаётган иш-
лар ва тажрибаларини айтдилар.
Қимматли фикр ва мулоҳаза-
ларни ўртага ташладилар.

Назарий конференция ишига
область партия комитетининг
секретари Х. Р. Мусахонова
яқун ясади.

Шундан сўнг конференция
қатнашчилари Самарқандга са-
фарга йўл олдилар. Улар Са-
марқанднинг тарихий ёдгорлиқ-
ларини кўздан кечирдилар. Ша-
ҳарнинг ўтмиши ва келажаги
ҳақида лекция тингладилар.

Тошкент янги йил арафасида



БУ ЕРДА 1966 йилнинг 29 апрели тоғ отарида қучли зилзила эски иморатларини вайрон қилган эди. Собиқ Қашқар маҳалласи ўрнида эндиликда гўзал қўпқаватли бинолар қад қўтарди. Сурагач: Россия бунёдкорлари барпо эт-
ган «Марказ-4» ва «Марказ-5» кварталларидаги турар-жой биноларини кўриб турибсиз. И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

КАТТА ФАРҒОНА
КАНАЛИ ИШГА
ТУШИРИЛГАНИГА
30 ЙИЛ ТЎЛДИ

Катта Фарғона канали... Бу ном ўзбекистонлик ҳар бир меҳнаткаш қалбидан чуқур жой эгаллаб олган. Унинг ҳаммаси зўр гуруҳ, катта ифтихор билан тилга олинган. Ҳа, Катта Фарғона канали кенг адирабларга, пойёниз чўлларга лиммо-лим тўлдириб оби-ҳаёт чашмаси бўлиб бошлаган кун республикамиз, халқимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган. Шунинг учун ҳам у ҳар биримизнинг фахримиз ҳисобланади.

Мана ўттиз йилдирки, бу оби-ҳаёт йўли тинимсиз хизматда. Ундан оқиб ўтаётган сув чироқ ёрларга сингиб кетаяди, боғи-ётоқлар, пахтазорлар, пойёниз йўли экинзорларини ялғатади. Бу сувни ситқираётган гўзаллар ҳар йили хирмон-хирмон пахта бермоқда. Бороғлар шу каналдан сув ичмоқда.

Каналдан дастлабки кубометр сув оққан вақтдан бундан 30 йил ўтди. У шу давр ичда миллион кубометрлаб оби-ҳаётни далааларга ёлди. Шу каналдан сув ичиб етиштирилган пахта, турли-туман поз-печматлар ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисобига етиш жуда қийин. Улар халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилди.

Бундан ўттиз йил илгари фарғоналик минглаб деҳқонлар шу оби-ҳаёт йўлини қуришга

отландилар. У бора-бора умум-халқ қурилишига айланиб кетди. Уни бунёд этишда бутун республикамиз меҳнаткашларининг вакиллари иштирок этишди. Канал қурувчилари қаҳрамонона меҳнат қилдилар, минглик қўрилмаган жасорат кўрсатдилар. Чунки уларнинг ҳар бири ана шу канал туфайли «оқ олтин»имизнинг янада кўпайишини, қақраб ётган ерлар экинзорларга айланишини яхши билдишарди. Шунинг учун ҳам бу ерда фидокорона меҳнат қилишнинг ўзларининг муқаддас бурчлари деб билдилар. Худди шу туфайли тунни кунга улаб тинмай ишлашди. Канал қурилишининг тезроқ тугаллашга бутун бор кучлари билан ҳаракат қилишди.

Бунёдкорларнинг жасоратли меҳнати бутун мамлакатимиз халқлари тилларидан дoston бўлди. Қисқа вақт, яъни 45 кунда қуриб битказилган канал ҳақида, уни қурганлар ҳақида қўшиқ ва ашуалар яратилди. Бу яратувчилик ишга бутун жаҳон қойил қолди. Чунки бир ярим ой мобайнида юзларча километрга чўзилиб кетган каналнинг қурилишини тарих билмаган эди. Лекин бу ишни кетмон билан ер қазиган, замбил билан тупроқ ташиган деҳқонларимиз урдадиллар. Қолхозлардан келган машиналар,

тракторлар, от-аравалар уларга ёрдам берди.

Канал дастлаб икки қардош республика — Ўзбекистон ва Қирғизистон территориясида қурилди. Унинг узунлиги салкам уч юз километри ташкил этди. Эни 25—30 метр бўлиб, чуқурлиги тўрт метр эди. Ушда даврининг бу йирик ишшоати қурилишида жуда катта ҳажмдаги тупроқ ва бетон ётқизиш ишлари бажарилди. Бу объектда меҳнат қилган 160 минг колхозчи худди аҳд ва қинок оила аъзоларидек, елкама-елка, ёнма-ён туриб, 18 миллион кубометр тупроқ ишларини бажаришди. Салкам 40 минг кубометр бетон ётқизилди. Ана шу ишларнинг ҳаммаси халқ қурилиши усулида олиб борилди. Шу-шу қурилишнинг бундай Фарғона усули бутун Иттифоққа донг таратди.

Катта Фарғона каналда бир қанча катта-кичик ишшоатлар қурилди. Иккита тўғон, 9 та ҳимон ишшоатлари, 120 дан ортиқ дюкер, ҳаммаси бўлиб эса мингта гидротехника ишшоатлари қад кўтарди. Бундан ташқари, каналнинг устига 800 дан ортиқ кўприклар қурилди.


Канални чўзиш ва кенгайти-

риш ишлари тўхтовсиз давом этмоқда. 1940 йилда унинг 60 километр узунлигидаги бир қисми Тошкентда қурилди. Натижада Катта Фарғона канали негизда бутун жанубий Фарғона водийсидаги ирригация тармоқларини қайта қуриш ишлари тугалди. Катта Фарғона канали бу водийда 500 минг гектар ерларда сугориш ишларини яхшилаш, 70 минг гектар янги ерни ўзлаштиришга ёрдам берди. Марказий Фарғона чўлларида қишлоқ хўжалик обороти киритилган минглаб гектар қишлоқ ерлар ҳам Катта Фарғона каналдан сугорилди.

Республикамиз деҳқонларининг бундан 30 йил илгари мўл сув учун бошлаган кураши ҳамон тинмай давом этмоқда. Катта Фарғона каналининг янги-янги тармоқлари бунёд этилган ва у тобора кўпайиб сув ўтказадиган бўлмоқда. Бу эса яна қўшимча пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш имконини беради.

СИЗ бу суратда Куйганёр плотинасини қуриб турибсиз. Катта Фарғона канали худди шу ердан бошланган.

И. Глазберов ва В. Сироткин фотолари.

ОЛМАЛИҚНИНГ ЯНГИ
ЮЛДУЗИ

Олмалиқ химия заводи дастлабки тоналма ҳаёсунот берди. Мураккаб минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича мамлакатимизда энг йирик ҳисобланган бу корхона биринчи қадамларини ташлади, унинг тарихий саҳифалари нарақлана бошлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Олмалиқ химия заводи қурилишини жадаллаштириш ҳақида қарор қабул қилганларидан сўнг бу ерда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари кескин тезлашди. Партия, совет ташкилотлари, хўжалик органлари, қурилиш ва монтаж ташкилотлари корхонани тезроқ фойдаланишга тошпириш юзасидан белгиланган янги ваъзфани бажаришга астойдил бел боғладилар. Уни бунёд этишга бутун республика ҳасаси кўчди. Бу объект умумхалқ зарбдор қурилиши деб эълон қилинди.

Қурилиш ва монтажлаш ишлари икки даврда олиб борилди. Корхонанинг объектларини бунёд этиш билан боғлиқ бўлган дастлабки цикл ишлар биринчи даврни ташкил этди. Бунда тармоқ графинга амал қилинди. Уни бажаришга трестимизнинг урта бошқармаси ҳамда айрим ихтисослашган ташкилотлар, жумладан, биринчи област «Строймеханизация» трести бинокорлари киришдилар. 2-бошқарма 2-бригадалари аммофос цехи, компрессорхона ва фосфат хом ашёси омбори пойдеворларини ҳамда ерости технология ком-

муникацияларини ётқизиш билан шуғулландилар. 3-бошқарма коллективни эса экстракция цехи, қайта сув таъминоти насосхонаси, 5-бошқарма эса аммиак омбори, ток кучини қайтайтирувчи бош подстанция қурилишида шундай ишларни бажара бошладилар. Барча ёрдамчи-нудратчи ташкилотлар ўртасида ҳам қилинадиган ишлар аниқ тақсимлаб олинди.

Дастлабки цикл ишлари январь ойининг биринчи кунларидан бошланди. У ўрта Осиё паронти учун жуда ҳам ноқулай бўлган мураккаб об-ҳаво шароитларида олиб борилди. Каттиқ соғуқ, кўп ёғинларчилик бинокорлар ва монтажчиларга кўп қийинчиликлар келтирди. Ўлар ўзларнинг оташқаб сўзлари ва ўрнатқан ишлари билан барча меҳнатчиларнинг куч-қайратини ойлик тошпириқларини муваффақиятли бажаришга сафарбар эта олдилар.

Зуфар Гимаев раҳбарлигидаги бригада алоҳида ўрнатқан қуриб олишди. Тайёр маҳсулот омбори пойдеворини қуришда нормани икки бараварга етказиб бажарди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Низоом Гокилов ва Геннадий Пуртов бошчилиқ қилган комплекс бригадалар ҳам самарали иш-

ладилар. Станислав Поляков, Владимир Королёв, Абдуфаттоҳ Ақромов, Мугима Эмиралиева ва бошқа ўртоқлар раҳбар бўлган монтажчилар бригадалари ҳам фидокорона ишладилар.

Хамманинг кўтаринки руҳ билан меҳнат қилиши натижа-сида дастлабки цикл, тармоқ графинга белгиланганидек, икки ой ичда қўлдан чиқарилди. Шундай қилиб, ихтисослашган монтаж ташкилотлари учун кенг иш фронт очиб берилди. Қурилиш ишлари даври ишларини амалга ошириш учун ҳам барча объектлар бўйича тармоқ графини тузиб чиқилди.

Трестимиз бундай ташкилотларнинг умуми ва сифатли ишларини учун кенг шароитлар яратиб бериш мақсадида бошқармаларга қарашли қатор бригадаларни завод қурилишига жалб қилди. Шунинг айниб ўзини керакли, трестимиз иш фаолиятида ҳали ҳақ вақт барча бошқармалар ягона бир қурилиш майдонига йиғилиб ишламаган эди. Мавжуд кучларини бир ер-сара берди, у ўзининг афзалликларини кўрсатди. Катта ҳажмдаги қурилиш ишлари тез ва соз бажарилиди.

Қурилиш ишлари исил қурилмаган даражада кенгайиб кетган даврда жуда кўп қол-

ЧОРВОҚ
ЧИРОҚЛАРИ

Икки тоғ оралигидан ўтувчи чироқни дарёс буйида қад кўтарган Чорвоқ посёлокиса кун сайин шаҳар қиёфасини олмақда.

Яқинда «Чорвоқ ГЭС» трестига қарашли кўча механизациялашган колонна бинокорлари қурган тўрт қаватли 410 ўринли ишчилар ётоқхонаси фойдаланишга тошпирилди. Ҳозир бу бинода Чорвоқ ГЭСи қурилишида меҳнат қилаётган юзлаб ишчилар истикомат қилинапти.

Шу кунларда яна бир 410 ўринли ётоқхона биносини қуриш ишлари тезкорлик билан олиб боришмоқда. Бригадари Людмила Пополитова бошлиқ қурувчилар иш вақтидан умумли фойдаланиб, тошпириқни ортири билан адо этмоқдалар. Дурдогорлардан Хайитов Сафоев, Миродил Умаров каби пешқадамлар дохилини В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўзлар мусобақалашиб нормани донмо 120—130 процентдан адо этиляпти.

Қўли гул бинокорлар Чорвоқ посёлокисининг янада бошқилиги ўларнинг аргументи ҳиссасиларини қўшмоқдалар.

Қ. МУХАММАДЖОНОВ,
Бўстонлиқ райони.

САБЗАВОТКОРЛАР
ЭКИШГА
КИРИШДИЛАР

Тошкент областининг ихтисослаштирилган қолхоз ва совхозлар бугун парникларда сабзавот экишга оммавий равишда киришдилар. Бу йил уларнинг парник хўжаликларига 35 мингта рама қўшимча равишда ўрнатилди. Эрта қўлмада эртанги экинларнинг бир юз элли миллион туп қўчқини олишга қарор берилди.

Калинин ва Оржоникидзе районларининг ихтисослаштирилган хўжаликларини кеч қўзга сабзавот экишга киришдилар. Бу экинлар учун 600 гектар — бутутурдан икки баравар кўп ер ажратилди. Август ойида экинган ливэ 1400 гектар ерда қўмқў бўлиб ўсмоқда.

(ЎзТАГ).

МУЛ ҲОСИЛИ
КЎЗЛАБ

Янгиўл райониди йирик пахтакор хўжаликларидан бири бўлган Навоий номи қолхоз деҳқонлари йилни самарали якунламоқдалар. Улар бу йил далааларда механизациядан умумли фойдаланганликлари туфайли пахтадан юқори ҳосил етиштиришди. Йиллик тошпирик районда биричилар қаторида адо этилди.

Қолхоз хирмонига муносиб ҳисса қўшган бригадалардан бири Отаназар Ендоев бошчилиқ қилиб келаётган коллективдир. Бригада азаматлари 170 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 29 центердан ҳосил кўтардилар. Тўлқибой Доиров, Мамат Амиров бошлиқ бригадаларда ҳам пахтадан юқори ҳосил кўтарилиди. Уларнинг ҳар гектар ердан олган ҳосили пландагидан 3—4 центер кўп бўлди.

Қолхознинг омилкор пахтакорлари шу кечакундада ис-гуси йил мўл ҳосилини кўзлаб майдонларини тез сўрат билан шугор қилишмоқда.

Қолхоз пахтакорлари келгуси йилда янада кўпроқ ҳосил кўтариш, давлатга ҳар йилдан мўл ва сифатли «оқ олтин» етказиб бериш учун тупроқ структурасини яхшилаш, ер умумдорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган тадбирларини вақтида амалга оширишмоқда.

И. АБДИЕВ.



КАТТА Фарғона каналини мана шундай, қўл кучи билан бунёд қилган эдилар.

МАКТАБДА ЛЕНИН СИНФЛАРИ

«Ўқишда, қориш-туришда ва жамоат ишларида ўрнатқан бўла-миз». Бу — Тошкентдаги 88-мактабнинг «Ленин синфлари» номини олиш учун ўзаро мусобақалашаётган ўқувчиларнинг шiori.

Ҳозирги кунда гўлиб синфларнинг айримлари аниқланди. 8-«А» синфи ўқувчилари дохий юбилейига пухта ҳозирлик кўриб, қатор ютуқларини қўлга киритдилар.

Бу синф томонидан амалга оширилаётган юбилей олди тадбирлари ҳам мактабга сазовор. Ўқувчилар кучи билан синфхонада ташкил этилган кутубхона адабиётларга, бой, Ай-лисса, Илгон ҳақидаги асарлар қўпчилигини ташкил этади.

Шу билан бирга бу синф ўқувчилари «Ленин ҳақида ёзил-диган энг яхши ишлар учун», «Вадий асарларини яхши диққат билан қилиш учун» деган конкурсе эълон қилдилар.

ЭЛ ХИЗМАТИДАМИЗ

Ўтган йилги қиш низоҳатда оғир кетди. Шаҳар ёқилги базаси кўрган барча тадбир ва чораларга қарамай, меҳнаткашларини беғам-кўст ёқилги билан таъминлай ол-мади.

Бу йил ана шу сабоқлардан те-гишли хулосалар чиқарган қолди ишмишда бирмунча силжиш ясаши муваффақ бўлиди. Жумладан, «Қишлоқ тўқимачи» станциясида янги кўмир омбори ташкил этилди. Натижада йўлдош шаҳарча — Сергели аҳолиси ҳамда тайалини корхоналар бу ердан ёқилги ола бошладилар. Закавлар бюроси иш ҳам ўтган йилларга нисбатан бу йил анча яхшиланди.

Лекин, бу билан шаҳар ёқилги базаси аҳоли ҳаётининг тўла-ту-кис қондиралипти, дейилмаймиз. Ишмишда ҳали жиддий камчилик-лар бор. Яқинда бўлиб ўтган пар-тия-хўжалик активини йиғилишида нуқсонларни бартараф этиш ҳам-да Ўзбекистон ССР Халқ кон-тро-

ли Комитетининг Тошкент аҳоли-сини кўмир билан таъминлашда-ги жиддий камчиликлар ва база-дирекцияси томонидан бу соҳада белгиланган тадбирларнинг бажари-лишининг бориши масаласи кўри-б чиқилди.

Сўзга чиққан ўртоқлар Халқ Конроли комитетининг таққидини тўғри деб топиб, йўл қўйилган камчиликларини яқин кунлар ичи-да йўқотиш, закавлар бюроси ишда бурлиш ясаиш, кўмир си-фатига назоратини қўйиштириш, харидорларни транспорт билан таъ-минлаш масаласи юзасидан ўз-фиқр ва мулоҳазаларини билдир-дилар.

Шунинг қувонч билан айтиш мум-кинки, база коллектив таққиддан тегишли хулоса чиқариб, бир қатор ютуқларини қўлга киритди. Чувончи, бу йил 150 минг хона-дон кўмир билан таъминланди. Ўт-ган йилнинг шу вақтига нисбатан аҳоли 1200 тонна ортиқ ёқилги

олди. Закавлар бюроси ҳам чакки ишламади. 13 минг тоннадан ор-тиқ кўмир меҳнаткашлар хонадо-нига етказиб берилди.

Юқориди тилга олинган қийин-чиликларга қарамай, шаҳар ёқил-ги базаси коллектив дохилини В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига социалистик мусобақани қўйиштириб, қувончи-галаба кўчдилар. 22 декабрда олинган мажбурият муддатидан тўққиз кун олдин шараф билан урдаланди: чакана савдо плани 102,4 процент, 11 ойлик улгурчи савдо плани 122,6 процент қилиб адо этилди.

Шу кеча-кундузда базанинг бар-ча омборларида меҳнаткашлардан январь ойи учун закавлар қабул қилинапти.

К. УМАРОВ,
шаҳар ёқилги базаси дирек-тори.

Мехнат Қизил Байроқ ор-денли «Алмаликсинестрой» трести бошқару-вчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор.

Ю. ЧЕРНОВ,
Мехнат Қизил Байроқ ор-денли «Алмаликсинестрой» трести бошқару-вчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор.

УЛАН-БАТОР. Бу йўл аэро-портга олиб боради. Чанда 3-ТЭЦ биносини қуриб турибсиз. Бу ишшоот Совет Иттифоқи-нинг ёрдами билан бунёд этил-ган.

В. Будан фотоси,
(ТАСС).

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТУРКИЯ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ РАДИЯСИ

АНКАРА. 30 декабрь, (ТАСС). Туркия матбуоти саҳи-фаларида Америка Қўшма Штатларининг Ливияда жой-лаштирилган ҳарбий базалари тугатилиши мусобақати билан АҚШ Уйлус Филд ҳарбий-ҳаво базасини НАТОнинг ҳарбий маъш базаси сифатида Туркия территориясига кўчиришни ил-тимос қилиб, Туркия ҳукумати-га мурожаат қилди, деган ха-

ШАХТЕРЛАР ИШ ТАШЛАДИ

НЬЮ-ЙОРК. 30 декабрь, (ТАСС). Чарлстон шахтерлари (Гарбий Виргиния штатида) АҚШ президенти мамлакат шахталарида меҳнат шароити-ни ва хавфсизлик техникасини яхшилаш тўғрисидаги қонуи лойиҳасига имзо чексин, деб талаб қилиб, забастовка бош-лашди.

АП агентлигининг хабарига айтилишича, иш ташлаган шах-терларнинг биринчи пикетлари кеча шахтерлар олдига пайдо

ҲИНДИСТОН МИЛЛИЙ КОНГРЕССИНИНГ СЪЕЗДИ ТУГАДИ

ДЕХЛИ. 29 декабрь, (ТАСС). ПТИ агентлиги хабар беради: Ҳиндистон миллий конгрессе-хумрон партиясининг 26 де-кабрдан бунён Вомбайда ўтаёт-ган 73-съезди бугун ўз ишнини тамомлади.

бўлиши билан шахталардаги бахтсиз ҳодисалар натижа-сида ҳалок бўлган қончиларнинг хо-тинлари Вашингтонга делегация юборди. Делегация бўлиб Ва-шингтонга борган бева хотин-лар президент ҳузурига кириб, ундан қонуи лойиҳасини имо-лашни талаб қилмоқчилар.

Иш ташлаган шахтерлар Американинг барча шахтерла-рини бу забастовкани кўзлаб-куватлашга даъват қилдилар.


Съезд қатнашчилари бир қанча резолюциялар, шу жум-ладан, иқтисодий ва сиёсий ма-салаалар юзасидан резолюция-лар қабул қилиб, партия ишчи комитетининг янги составини сайладилар.

АГРЕССОРЛАР

ҚОЧИШГА МАЖБУР
БЎЛДИ

ДАМАШҚ. 30 декабрь, (ТАСС). Сурия қуроли кучла-рининг вакили айтдики, Сурия-нинг осмон чегарасини бузишга уринган Исроил самолётлари-нинг йўлини Суриянинг қирув-чи самолётлари тўсиб чиқиб, осмонда шиддатли жанг бўл-ганидан кейин душман самолёт-лари қайтиб кетишга мажбур бўлди. Сурия самолётларининг ҳаммаси ўз базаларига эсоп-мон қайтиб келди.

ҚОҲИРА. 30 декабрь, (ТАСС). Бирлашган Араб Рес-публикаси қуроли кучлари ҳарбий қўмондонлигининг ба-нотида айтиладики, Исроил са-молётлари Сувайш ва Ашшат районида Миср қўшинлари тур-ган жойга ҳужум қилишга бир неча марта уриниб кўрди. Би-роқ Мисрнинг ҳарбий ҳаво куч-лари бу ҳужумларни даф қил-ди.



А. Абалян фотоси.

ТОШКЕНТ грами пластинка заводида янги автоматик линия ишга туширилди. У граммпластинка тайёрлашни аяча босонлаштириди, овоз ниҳоятда тинч чиқади. Янги автоматик мослама ишчиларнинг меҳнатини жуда енгиллаштирмоқда. Бу эса завод коллективининг 1970 йилда қўлаб янги граммпластинкалар ишлаб чиқаришига ёрдам беради. Суратда: контроль ўлчов асбоблари цехи бошлиғи Х. Манулия (ўртада) ва механик П. Яценев ўроқлар пулты ишни кузатишмоқдалар.

ЧАНГ НАВОСИ

Эрта тонг. Бутун борлиқ суку матга чўмган. Табиат ширин уйку ва оромбахш куй! Унинг сеҳрлар, мусиқий оҳанги тонг шабадаси билан қувишиб, уйнашиб овози табиатни уйғотди. Хонадонларга эзу ниҳти қувонч олиб кирди. Чанг торлари қалб торларини қитқилди...

Оддий бир музика асбобини тилга киритиб, кишилар қалбига ором бахш этуватган ким? Чанг торларини чегириб ёш юракларини ажиб ҳис-ҳаяжонга солиб, маъсум кўлдиратган, висол ишқиде аллаётган ким бўлдикини?

Ҳа, чангнинг кўп асрлик тарихида ажойиб воқеа юз берди. У эндиликда лобар киз олдига юратгани оқди. Ҳа Фазилат санъаткор ўзбек аёллари орасидан етишиб чиққан қалдирғоч чангчи ҳисобланади.

Орузсиз киши бўлмайди. Фазилат ёшлик чоғларида рубобча ва лиши маъқ қилиб юрарди. Кунларнинг берида Самарқандда Тошкентдан санъаткорлар келишида, Республикада хизмат кўрсатган артист Фазил Хайратов яқинида «Муножатни» ижро этганда қорадарлиқ Фазилатнинг ёш қалбига қандайдир озу қанот ёзди. Чангнинг мафтункор овози эс қизчани сеҳрлаб қўйган...

Ун тўрт ёшлиқ Фазилат Тошкентга, санъаткорлар даврасига ошди. Шукрота ота билан Тошой хола соғимли қизларининг йўлини тўсишди. Оқ фотиҳа бериб, уни пойтахтга улаштиб қўйди. Шунда қишлоқдаги қўни-қўнилар орасидан чиққан баъзи кампирларнинг миш-мишини кўрсатган эди. Уларнинг бири: «Хой Тош, ақлингни еб қўйдинг, одам қўлогига эшитмаган ишни қилма, қизингни артистликка берма» деса, бошқа бири: «Шундай қиз унингга сийма қолдими» деб пичанда қилишди.

Фазилат эса ўз орзу-умидларини рубобга чиқара бошлади. У икки йил тайёров кўрсиди, беш йил консерваториянинг халқ чолғу асбоблари факультетига ўқиди, чанг чалишини сири-асорларини ўрганиб олди. Меҳрибон кишиларга, ота-онаси қўнига олиқ маълумоти бўлиб кириб келди.

Ана энди ўша қорадарлиқ ноумид қиссаларнинг навбатдаги

Реклама

Биринчи программа

10.55 — ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ. 11.00 — Болалар учун «Календарнинг сўнги парағи» (Ўзбек тилида), 11.35 — «Ишбилармон кишилар» (бадий фильм). 12.55 — Москва кўрсатади. 17.55 — ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ. Рус тилида: 18.00 Телеингиллар, 18.20 — Болалар учун мулътфильм. Ўзбек тилида: 10.15 — «Қорбо бо эшик қонади», 19.35 — Салом, 1970 юбилей йили. 19.55 — Москва кўрсатади. 21.00 — ТОШКЕНТ. Кулги нечаси. 22.15 — Янги йилнингиз кутлуг бўлсин! Байрам программаси, 23.40 — Янги йил табриги 24.00 — Янги йилнингиз кутлуг бўлсин ўртоқлар! КАТТА КОНЦЕРТ.

Иккинчи программа

10.55 — Москва кўрсатади.

Учинчи программа

18.00 — Фрунзе кўрсатади.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 31/12 да кундуз Семурғ, кечкурун Масҳара-бозар ва концерт бўлиши. ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/12да Алжонлария (кундуз соат 12 ва 3 да), МУНИМНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/1 да Катта концерт (кундуз соат 12 ва кеч 7 яримда). Тошкент давлат циркида — ЦИРКДА АРЧА.

Кино

Она муҳаббати (1 ва 2-серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечкурун), НОВОИЙ НОМЛИ (кундуз соат 4:20 минут ва кеч 7 да), САЊЪАТ САРОНИ (кундуз соат 2 да). Манен қироли — САЊЪАТ САРОНИ (орталаб соат 11 ва кундуз 12 яримда), «ЧАНКА» (орталаб 9 ярим ва 11 да). Эўрани жосус (1 ва 2-серия) — «ЧАНКА», «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛИГИ» (кундуз ва кечкурун), «СПУТНИК» (кундуз 12.3, кеч 6 ва 9 да), САЊЪАТ САРОНИ (кундуз 5 ва кеч 8-15 минутда). Флиппер — НОВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечкурун), «МОСКВА» (орталаб соат 10 ва кундуз 3 да). Анжелика — Фаишталар мажлиси (1 ва 2-серия) — «СПУТНИК» (кундуз соат 1.4 ярим ва кеч 8 да), «МОСКВА» (орталаб 11 ярим, кундуз 5 ва кеч 8-20 минутда). Ваҳшийлар баэми — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ МАКТАБ ЎҚУВИЛАРИНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИГАН СПЕКТАКЛЛАРИНИНГ РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1/1 да — АЙЖОНЛАРИЯ (кундуз соат 12 ва 3 да). 2/1 да — МАРИЯ СТОАРТ. 3/1 да — БЎРОНДАН КУЧЛИ. 4/1 да — БОИ ИЛА ХИЗМАТЧИ. 5/1 да — ОЛТИНЧИ ИЮЛЬ. 6/1 да — МИРЗО УЛУГБЕК. 7/1 да — ОЛТИНЧИ АДАБИЁТ. 8/1 да — АЙШЕД НОВОИЙ. 9/1 да — МАРИЯ СТОАРТ. 10/1 да — ОЛТИНЧИ ИЮЛЬ. 11/1 да — БЎРОНДАН КУЧЛИ. Спектакллар кундуз соат 12 дан бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Касаба соҳалари кўроқларини бошқарувни Ўзбекистон республика совети кенга ходиш Жўра ПУЛАТОВНИНГ вафот этганини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ҳақиқати

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 336495, Редактор ўринбосарлари — 833885, 836232, Матбуот секретари — 834808, Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлими — 833936, Саноят, транспорт ва кўриш бўлими — 833786, Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлими — 833811, Қишлоқ хўжалиги, фан, маданият ва олий ўқув юрталари бўлими — 830850, Совет қўрилиши, маданий хизмат ва шахар хўжалиги бўлими — 838761, Аталар ва оммавий ишлар бўлими — 834048, Ўзлонлар бўлими — 838142, юммуқта — 830249 дан 830238 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Б. 2440. ИНДЕКС — 64697 Р. 03872.

ХУШХАБАРЛАР

БИНОКОРЛАР СОВҒАСИ

Турна қатор тизилиб кетган биноларнинг ниҳояси кўринмайди. Уларнинг кўпчилиги бу йил қад кўтарган. Бинокорлар сўнгги ойларида яна ҳам ғайрат билан меҳнат қилишди. Улар қил билан бир қатор маданий-маиший объектлар, ишлаб чиқариш қурилмалари ва турар-жойлар бунёд этилди.

Янги йил арафасида давлат комиссияси 53 та кўпқаватли турар-жой биноси, қар бири 280 ўринли турутта болалар боғчаси, битта политехникани қабул қилиб олди. Бу иморатлар шахримизнинг Чилонзор, Шимолий-Шарқ, 2-Черлаңцев массивларида, Янгибод ва Кўйлида қад кўтарган. Фойдаланишга тоширилган кватираларда тошкентликлар бў-

гул-эрта уй тўйлари ўтказишди.

ХИЗМАТГА МУНТАЗИР

Тошкент шаҳар рестораторлар трести ҳар йилгидек бу йил ҳам ҳамшаҳарларини ва пойтахтимиз меҳмонларига кўнглидагидек хизмат кўрсатиш учун таралду қўриб қўйди. «Тошкент», «Гулистон», «Россия», «Баҳор» рестораторлари ва бошқа кафедалар янги йил дастурхонлари ёзилмоқда. Ҳозир мингдан ортиқ киши байрам дастурхонларини буюрди. Уларнинг буюртмалари асосида кишилар сонига қараб дастурхон тўзаяпти.

Янги йил олдидан шахримизда ташкил этилган турли ярмаркалар ҳам кўпчилигини мам-

нуи этди. Барча хиебонлар ва майдон жойларда таомлар наставкалари уюштирилмоқда. Ҳамма ерда ярим фабрикалар савдоси йўлга қўйилган. Қирқта магазин ва бешта гастроном ҳозир ярим фабрикалар билан савдо қилмоқда. Байрам дастурхони учун ниманки керак бўлса, ҳаммасини шу магазин ва ярмаркалардан топа оласиз.

Пазандаларини янги йил кечаси ёшлар учун ҳам алоҳида хизмат кўрсатишди. Студентлар ошхоналарида ёшлик балалари ўтказишга таралду қўрилмоқда.

СОВҒА-САЛОМЛАР

Область матлубот жамияти ходимлари янги йил арафасида яна ҳам аўр байрам билан меҳнат қилдилар. Областининг

барча шаҳар ва район марказлари ярмарка, наставкалар ташкил этилди. Кичкинтойлар учун 500 мингдан ортиқ совға-салом тайёрлаб, қизил пакетларга жойлашиб, олис районларга жўнатилди.

Тўйгепа, Пискент, Бўка, Оқ-қўрғон ва бошқа жойларда ярим фабрикалар билан савдо қилувчи дўконлар очилди. Улар ённда арчалар савдоси ҳам йўлга қўйилди. Бу йил қишлоқ аҳолисига ўтган йилдагига қараганда 2,5 марта кўп арча етказиб берилди.

Янги йил арафасида областини қишлоқ ва шаҳарларидан магизинларга 120 тонна гўшт, 150 тонна қондирет маҳсулотлари, 70 тонна олма, 110 тонна қарам ва бошқа хил-мезматлар чиқарилди.

БИРИНЧИ ҚАДАМ

Бир ёшга тўлди-ю, тик турди гўдак, У ёқ-бу ёшга қаради шошиб. Ишонч ҳосил қилгач, ютди-ю юрак, Биринчи қадамини қўйди йўл очиб! Биринчи қадам, о, нақадар мушкул! Гўёки она Ер қалқиб кетаяди. Илк қадам — янги бир дунёдир буткул, Сўнг йўллар юради, Ўйлар ўтади. Биринчи қадамин кўрган оғимда, Бутун вужудини чўлгайди ҳаёл. Биринчи қадамининг завоқ қонимда, Биринчи қадамлар олдида мен дол. Одам ойга чинди чексиз йўл юриб,

Йўлларнинг бошида бордир илк қадам. Ўша илк қадамини Гагарин қўйди, У — совет одами, энг оддий одам! Космос кемаларин кўра олгандир Илк аэроплани учирган киши. Юлдузлар бағрида юра олгандир, Улугбек юлдузга тушганда Биринчи кемани ясаган инсон-Денгизлар кўсиди сузади мангу. Биринчи муаллим — сенга шарафшон! Биринчи ўртоғим — сенга соф тўйғу! Дунёда биринчи шёрын ким ёзган? — Десалар, дейманки: — Биринчи одам!

Ўша биринчи шёър яратган оғим — Хаёл сурмоқликка биринчи қадам! Дунёда биринчи ким шод бўлган, Ким эса биринчи чека олган ғам? Ўшанда яшмоқ завқи яралиб, Ҳаётга қўйилган биринчи қадам-Бир ёшга тўлди-ю, тик турди гўдак, У ёқ-бу ёшга қаради шошиб. Ишонч ҳосил қилгач, ютди-ю юрак, Биринчи қадамини қўйди йўл очиб! Валерий, Георгий, Алексей, Виктор Биринчи қадамлар, сизга тасанно!

ТўЛҚИН.

Спортив

«БҮРЕВЕСТНИК» ШАЙЛАМОҚДА Тошкентнинг «Бүревестник» аркалар командаси баскетболчилари СССР биринчилиги мусобақаларига шайланмоқдалар. «А» классиникини группаси мусобақалари қатнашадиган бу мусобақаларнинг биринчи тури январь ойи охирида Тошкентда бўлади. Ҳамшаҳарларимиз янгида республикамиз пойтахтида ўтказилган турнирда муваффақиятли иштирок этишди. Улар Душанба, Фрунзе, Ашқобод шаҳарларининг баскетболчилари билан бўлган учрашуларда қоллиб қилиб биринчи ўринни олдилар.

ПЕЛЕНИ ПАРЛАМЕНТГА САЙЛАШМОҚЧИ Мингдан ортиқ тўн урган бразилиялик ҳужумчи Пелени сийси мансаб ҳади этишмоқчи. Мамлакатнинг Бел-Вист шаҳарда демократик ҳаракат партиясининг функционери ўз ташкилоти Пеле номзодини келаси йил бўладиган парламент сайловларида ёқлаб чиқишини айтди. Футболчининг ўзи эса ҳозирча бу ҳусусда бирон фикр билдираётгани йўқ.

ШИФОКОР ФАЗИЛАТИ

● Шифокор суҳбатидан сўнг бемор ўзини енгил сезмасе, у шифокор эмас. В. М. БЕХТЕРЕВ. ● Шифокорнинг шифо тополмай оқиб қолганини бемор асло сезмасин. И. А. КАССИРЕНИЙ. ● Ҳамдардлик ишонч туғдиради. Ишонч эса қалбга қалит топиш демакдир. Ф. ВОДЕНШТЕД. ● Шифокорнинг очқ чехраси беморнинг соғайишидан даррак беради. Ф. РОХАС. ● Моҳир жарроҳда бургутнинг кўзи, шеринг юраги, аёлнинг қўли бўлиши керак. Д. РЕЙ. ● Касали асло қўрқитмаг, касалини ўтиб кетмасдан олдин даволати. КАЙКОВУС. ● Беморнинг муолажасини билмасанг, сен уни тинч қўй. ЮНОН МАҚОЛИ.

● Шифокор доим хизматга тайёр туриш, тажрибали ва пок бўлиши зарур. Аммо, у зинҳор ялқов ва очқўз бўлма-син. ХҲЖАКОПИЛИ (Шота Руставели замондоши). ● Беморни дори билан эмас, балки сўз билан даволаш афзалдир. БУҚРОТ. ● Доктор Боткиннинг бемор ҳузурида пайдо бўлиши, унинг биргина ширин каломни беморнинг дарддан ҳалос этар эди. И. ПАВЛОВ. ● Малҳам бўлишга шошилинг. Ф. ГААЗА. ● Шифокор беморнинг ҳоли меҳрибондир. У беморни деҳ қачон оғир аҳволда ташлаб кетмайди. Ф. ЯНОВСКИЙ. Тўпловчи: З. ЭГАМБЕРДИЕВ, медицина фанлари кандидати.

ЛАЗЗАТЛИ ТАОМЛАР

ЯНГИ йил ҳар бир хонадонда эўр тайёрлашни билан кўтилади. Байрам дастурхонига хилма-хил таомлар, хуштам ичмиллар тайёрланади. Дастурхонини кўркам ва мазали таомлар билан бе-заҳ ҳар жиҳатдан мазсадаг мувофиқдир. Биз қўйида тажрибали пазанда «Гулистон» ресторанининг бош ошпази Шариф Солиҳовнинг байрам дастурхонига тайёрлаган янги таомларини уй боналарининг эътиборига ҳавола қилмоқчимиз.

● ЖИГАРЛИ САЛАТ. Бу салатни тайёрлаш учун олти кишига

қўйидаги масаллиглар керак бўлади. 500 грамм пишган жигар, 300 грамм пишган картошка, 200 грамм қайнатилган сабзи, 200 грамм тузланган бодринг, 100 грамм кўн нўхат, 200 грамм қаймоқ, 3 дона тухум ва 100 грамм оқ пёз ётаридир. Салатни қўйидагича тартибда тайёрлаймиз. Жигарни паррак-паррак қилиб тўғраймиз, сўнг картошка, сабзи, тузланган бодрингнинг ҳам жигарга ўхшатиб тўғраб ҳаммасини аралаштирамиз. Устига кўн нўхот, қаймоқ ва тузланган пёзнин солиб яна юриштирамиз. Тайёр бўлган аралашма-ни линочкага солиб тухум ва кўнат билан безагач дастурхонга

тортамиз. Салатга туз, мурч ҳар бир кишининг дидагига қараб солинади. ● ПИШЛОҚЛИ САЛАТ. Олти киши учун қўйидаги масаллиглар: 300 грамм пишлов, 200 грамм қаймоқ, 6 та тухум ётаридир. Салатни тайёрлаш қўйидагича бўлади. Пишловни киргичнинг ярим қизилдиб ўтказамиз. Унинг устида майда қилиб чопилган пёз ва қаймоқ солиб яхшилаб аралаштирамиз. Пишган тухумни ҳам майда қилиб тўғраб юқорида аралашма билан қориштирамиз, Тайёр бўлган салат линочка-

га солинган, пёздан кесилган шалча ҳамда кўнат билан безамиз. ● ГУЛИСТОН ДИМЛАМАСИ. Бу таомни тайёрлаш учун қўйидагиларни ҳозирлаш керак. Олти киши учун бир килограмм қўй гўшти, бир килограмм картошка, 0,5 килограмм қарам, 0,3 килограмм сабзи, 80 грамм помидор қўниси, 150 грамм шолғом, 300 грамм оқ пёз, 150 грамм қарам ва қар хил кўнатлар, зира, мурч, туз керак бўлади. Таомни тайёрлаш жараёни қўйидагича олиб берилади: қозонга ёғ солиб яхшилаб қиздириб, сўнг

пёз солиб қовурилади. Пёз устига бўланган қўшни солиб, қовуришни 10—15 минут давом эттирамиз. Кейин ивигилган помидор қўнисини (суви билан), икки-учга бўлинган шолғомни соламиз, 5—7 минут ўтгандан сўнг бутун қовуришни солиб қовуришни яна 5—10 минут давом эттирамиз. Қовурма устига чечсонни дрон қилиб тўғралган қарам билан барги зира, мурч дони, туз, лавр барги ташлаб димлаймиз. 15—20 минутдан сўнг таом тайёр бўлади. Таом дастурхонга лаганда тортилади, Устига кўн пёз ва кўнатлар сопилади.

ПАЗАНДА МАСЛАҲАТИ

РЕДАКТОР А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — орган Ташкентского областного КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.